



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 3 апрель, № 63 (5737)

Чоршанба

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕХНАТ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Президент Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Азиз дўстлар!
Сиз, ҳурматли депутатлар ва сессия катнашчилари билан, Тошкент вилоятининг фаоллари билан кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмати билдиришдан мамнунман.

Очигини айтганда бўлса, сиз азизлар билан кўришган бери учрашмаганимизни англаб, ўзим ҳам сизлар билан яқиндан учрашиб, суҳбат қилишга эҳтиёж сезиб юрганамни айтмоқчиман.

Сизлар билан дийдор кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бугунги ҳаёт ҳақида — ҳаёт муаммосиз бўлмайди, албатта — олдимизда турган вазифалар, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида фикр алмашиб, тегишли хулосалар чиқариб олиш кераклигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай очик учрашув ва мулоқотларда ён-атрофимиздаги бугунги нотинч, тобора мураккаблашиб бораётган бир вазиятда турли хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини юксалтириш, уни янада мазмунли қилиш бўйича очиқчасига гаплашиб олиш, сизларнинг фикр-мулоҳазаси ва тақлифларингизни эшитиш, ҳеч шубҳасиз, айна мудоа бўлур эди.

Шу маънода, бугун фақат сессия кун тартибига киритилган масала билан чегараланмасдан, Тошкент вилоятининг ривожланиш суръатлари, эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмасдан келаётган, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммолар ҳақида атрофича гаплашиб олсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Тошкент вилоятининг юртимиз ҳаётидаги мавқеи ва аҳамияти ҳақида сўз борганда, қайси нуқтаи назардан қарамайлик — бу унинг тарихий ёки жуғрофий ўрни бўлади, иқтисодий-ижтимоий имкониятлари, инсоний салоҳияти бўлгани — мамлакатимиз тараққиётида катта рол ўйнайдиган ана шундай омиллар ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирганда, ҳосилдор тупроғи, бой минерал-ҳом ашё манбалари, етарли сув

захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзининг бетакрор иклими, гўзал табияти ва хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишининг ҳайратини ўзига тортади.

Вилоятнинг унмудор заминидан миришкор дехқонларнинг пешона тери билан етиштирилган ноз-неъматлар фақат воҳа аҳолисини эмас, шу билан бирга, азим пойтахтимизда, бу улкан шаҳарда яшаётган 2 миллион 600 мингга яқин одамни мева-чева, сабзавот, гўшт, сўт, тухум ва бошқа ҳаётий зарур маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашга қандай катта ҳисса қўшаётганини барчамиз яхши биламиз.

Тошкент вилоятида иқтисодий-иқтисодий етакчи тармоғи бўлиши сановат соҳаси юқори даражада ривожлангани ҳаммамизга яхши маълум. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакатимиз сановатидидаги улуши, Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисоблаганда, 33,5 фоизни ташкил этиши ҳам шуни тасдиқлаб беради. Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 9,6 фоизи, сановат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи айнан Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Воҳада ёқилғи-энергетика маҳмуаси, кимё ва нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича иқтисодий-иқтисодий локомотиви бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур “Женерал Моторс” компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидан ноёб ҳисобланган автомобил двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчиқ, Олмалик, Бекобод шаҳарларидаги йирик сановат мажмуаларини келтириш мумкин. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни нафақат минтақамиз, балки чет элларда ҳам харидорлар яхши билади ва тан олади.

Тошкент вилояти ҳақида гапирганда, яна бир муҳим хусусият ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Бу, аввало, вилоят аҳолисининг интеллектуал даражаси, билим ва таърибаси, маънавий савияси билан

ажралиб туришида намоён бўлади, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис мана шу диёрга меҳр қўйиб, уни обод қилиб келаётган меҳнатсевар ва олижаноб инсонлар ҳақида ҳар қанча фахрлини гапирсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли депутатлар!
Мустақил тараққиёт йилларида Тошкент вилоятида яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ошириш, уни пойтахт вилояти деган номга муносиб даражага кўтариш учун сизлар билан бирга амалга оширган ишлардан ҳаммамиз, албатта, хабардоримиз.

Вилоятнинг кейинги йилларида иқтисодий ўсиши ҳақида сўз юриладиган бўлса, аввало, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, бу ерда ҳам барқарор ривожланиш суръатлари сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Бунга ўтган 2012 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга, сановат қарийб 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,7 фоизга, пуллик хизматлар 15 фоизга ўсгани аққол тасдиқлаб турибди.

Агарки 2000 йилга нисбатан қиёсаландиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари икки баробар, пуллик хизматлар олти баробар, қурилиш-пудрат ишлари эса уч баробардан зиёд ошганини кўриш мумкин.

Вилоят сановатини эл-юртимиз, аввало, мана шу заминда яшаётган инсонлар манфаатини қўзлаб ривожлантириш бўйича кейинги йилларда қилган ишларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия заводи, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарларидаги кимё корхоналарига кенг қўламли инвестициялар жалб этилиб, техник ва технологик модернизация ишлари амалга оширилди. Шулар қаторида Куйи Бўзсув ГЭСлар каскади, Фарҳод ГЭС, Чорвоқ ГЭС, Янги Ангрэн иссиқлик электр станцияси сингари энергетика объектларида, Ангрэн кўмир қонида модернизация ишлари давом эттирилмоқда.

Айниқса, “Ангрэн” маҳсул индустриал зонаси фаолияти йўлга қўйилиши билан вилоят иқтисодиёти учун янги-янги имкониятлар очилмоқда. Мен бу ҳақида кўп гапирмасдан, фақат баъзи рақамларни кел-

тириш билан кифояланмоқчиман. Ҳозирги вақтда мазкур индустриал зона ҳудудидан 186 миллион доллардан ортиқ қийматдаги 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлатилган нефть маҳсулотларидан базавий мой тайёрлаш, турли ҳажмдаги мис қувурлар, санитария-техник ва бутловчи буюмлар, сопол плиталар, кўмир брикет, чарм буюмлар ишлаб чиқариш комплекси шундай лойиҳалар сирасига киради. Шунингдек, бу ерда шакл ишлаб чиқариш заводи қуриш мўлжалланмоқда. Буларга қўшимча равишда умумий қиймати 245 миллион долларни ташкил этадиган яна 22 та лойиҳани амалга ошириш бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда. Собиқ “Резинатехника” корхонаси негизидан автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳа бўйича эса ишлар бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда, **охириги беш йил давомида Тошкент вилояти бўйича 1 миллиард 500 миллион доллар миқдоридидаги маблағ сарфланиб, 58 та йирик инвестиция лойиҳаси тўла амалга оширилди. Бу ишларнинг давоми сифатида 2013 йилги инвестиция дастури доирасида вилоятда қарийб 545 миллион доллар маблағ ҳисобидан 69 та лойиҳани ҳаётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.**

Азиз дўстлар, албатта, бу рақамлар ҳақида шунчаки гапириш осон, лекин улар қандай катта маблағ, қандай катта меҳнат ҳисобидан амалга оширилаётганига эътибор беринг. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни отанг яхши, онанг яхши, деб юртимизга олиб келиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилиш, хорижий ҳамкорларни топиб, уларга барча зарур шароитларни яратиб бериш керак. Масалан, мана шу “Резинатехника” заводи бўйича аниқлик ҳамкорларимиз билан аниқ бир битимга келиш учун кейинги уч йил давомида қанча-қанча иш олиб боришга тўғри келди.

Ёки Тошкент вилоятининг салоҳиятига салоҳият қўшишга хизмат

қиладиган “Ангрэн” маҳсул зонасини оладиган бўлсак, бу лойиҳага худдики ўзининг шахсий ишидек қараб, уни амалга оширишга сидқидилдан ҳисса қўшган барча мутахассис ва мутасаддиларга раҳмат айтсак, арзийди.

Албатта, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати билан қўлга киритилган бундай ютуқ ва марралар, режа ва дастурлар барчамизга гурур-ифтихор, энг муҳими, эртанги кунга ишонч бағишлайди. Лекин, биз бугун қўлга киритилган ютуқ ва марралар билан бир қаторда, Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд бой имконият ва ресурслардан етарлича фойдаланиш борасида бир қатор камчилик ва оқсоқликларга йўл қўйилаётганига кўпроқ эътибор беришимиз зарур.

Кўзга ташланадиган муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлашимиз зарурки, вилоят сановатининг 88 фоизи Олмалик, Ангрэн, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Қибрай, Янгийўл ва Зангиота туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган 10 та туманининг бу борадаги улуши 12 фоизни ташкил этади, ҳоло.

Айниқса, Оққўрғон, Бука, Бекобод, Куйи Чирчиқ туманларининг вилоят сановатидидаги улуши бир фоизга ҳам етмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳудудий сановат таркибида маҳаллий тасарруфдаги корхоналар ҳиссаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Охириги 3 йилда бу кўрсаткич 25,3 фоиздан 22,8 фоизга тушиб қолгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, бу ҳудудларнинг барчасида ўзимизнинг одамларимиз яшайди. Лекин нима учун бир туманда сановат жадал ривожланмоқда, иккинчисида эса оқсоқликка йўл қўйилмоқда? Ҳолбуки, Тошкент вилоятида сановат, ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бу вилоят шундай ихчам жойлашганки, унинг бир туманидан иккинчи туманига бориш жуда қўлай, яъни йўл-коммуникация масаласида бу ерда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Шундай экан, талаб ҳам шунга яраша катта бўлиши табиий.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, ҳозир-

ги кунда ёшларимиз замонавий касб-хунарларни эгаллашга, ҳаётдан ўз ўрнини топишга интиломда. Лекин нима учун Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларида янги, замонавий сановат корхоналарининг салмоғи ва самараси ҳалигача сезилмаяпти?

Такрор айтаман — бизга бўлаверди, деган эскича қараш билан фақат томорқадан олинмадиган даромад ёки олди-сотди ишларига кўз тикиб яшаш бизга энди ярашмайди. Бунинг учун одамда, аввало, гурур туйғуси бўлиши лозим.

Бу муқаддас заминда гурурсиз, ифтихорсиз яшаш бўлмайди. Шаҳсан мен, ўзбек боласи қаерда бўлмасин, доимо ўз юртига сажда қилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиёй деб яшашни истардим. Ҳар қандай шароитда ҳам ор-номус деган тушунчани баланд тутиб, шундай буюк юртга муносиб фарзанд бўлиб яшаш керак. “Ор-номус” деган сўзнинг бошқа тилларда ўхшаши, таржимаси йўқлигининг ўзи ҳам Яратганимиз бизнинг халқимизга қандай улғу, қандай беқиёс фазилатлар ато этганини англашмайди!

Мен Президент — давлат раҳбари сифатида мамлакатимизни ривожлантириш, турмушимизни обод қилиш, халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishi учун нимаики керак бўлса, барча-барчасини ташкил қилиб беришга, ана шу эзгу мақсад йўлида ҳаётимни бағишлашга ҳамisha тайёрман.

Бу Ватан — ўзимизники, барчамизники. Унинг камчилиги ҳам, ютуғи ҳам ўзимизники. Шундай экан, гўзал ва бетакрор юртимизнинг бугунги ва эртанги кунини, ёруғ келажагини учун, авваламбор, ўзимиз масъул эканимизни унутмаслик керак.

Шу нуқтаи назардан фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Тошкент вилоятида базис корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтган йили вилоят корхоналарида ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан атғи 34 фоиз, трикотаж мато ишлаб чиқариш бўйича 52 фоиз, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича эса 66 фоиз фойдаланилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).



Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 677 йиллигига

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ТАРАҚҚИЁТ



Мухтарам Юртбошимиз 2013 йилин зуққолик ва донишмандлик билан, узққни қўзлаб “Обод турмуш йили” деб атаганларида чуқур ҳикмат кўраман: бу гапда “обод”, “турмуш” сўзлари ёнма-ён турибди. Икки сўзда бир олам маъно мужассам. Уларнинг бир-бирини тўлдириб келиши ўзида жуда катта мазмунни ифода этмоқда.

“Обод” сўзи маъноларга ўта бой. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кўра, обод сўзи — кўркам бинолар, чиройли кўчалар, гуллаб-яшнаган боғу роғлар, меҳру муҳаббат билан парвариш этилган ерлар (шаҳар, қишлоқ, боғ, ҳовли ва х.к.), халқ кўп йиғиладиган, гавжум ва серфайз жойларни, айна пайтда хурсандчилик, шодлиқни ҳам ифода этади. Шодлик эса кўнгилларни ёритади, зеро, ободлик кўнгилдан бошланади. “Турмуш” сўзининг мазмуни ҳам теран, “обод”ниқидан сира кам эмас. Турмуш сўзи — инсоннинг, миллат ва халқнинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти, халқнинг урф-одатлари, расм-таомиллари мажмуи, жамиятнинг оддий яшаш шарт-шароитлари, никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт... Бундоқ қаралса, “Обод турмуш йили”

(Давоми 4-бетда).



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўзбекистон фуқароларининг маънавий-ахлоқий қадриятлари” мавзусида навбатдаги ижтимоий сўров ўтказилди.

У Президентимиз Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асаридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида одамлар онгу тафаккуридаги муҳим ўзгаришларни аниқлаш ва аҳоли дунёқарашини шакллантириш мақсадида мониторинг режимида ташкил этилди. Сўровда мамлакатимиз ҳудудларида яшаётган барча аҳоли, турли ёш, касб, миллат ва этникдагига эга бўлган эркек ҳамда хотин-қизлар иштирок этди. Сўралганларнинг фикрича, меҳнатсеварлик, тadbirkorлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик, ростўйлик, самимийлик,

яқинлар ҳақида гамхўрлик қилиш, аҳил-иноқ яшаш, одиллик, виждонлилик Ўзбекистон фуқароларида хос ижобий фазилатлардир. Оила ва фарзандлар одамларимизнинг ҳаётий позициясини белгилаб берадиган муҳим қадриятлар бўлиб, жамиятимизда оила институтининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз аксарият аҳолиси учун мустақкам ва аҳил оилани шакллантириш, фарзандларга муносиб келажақни таъминлаб бериш муҳим ҳаётий мақсадлар ҳисобланади. Иштирокчиларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда ҳаётий мақсадларга эришиш учун барча зарур шароит ва имкониятлар мавжудлигига қатъий ишонди.

(Давоми 3-бетда).



Мамлакатимизга таширф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ички ишлар вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик бош бошқармаси бошлиги Абдулла бин Муҳаммад ал-Хуверений раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Адҳам Аҳмедбоев билан учрашди.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч таъминлашга асосланган ҳамкорлик савдо-иқтисодий, сармолавий ва маданий-гуманитар йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматлари ўртасида имзоланган терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishi, шунингдек, бошқа турдаги жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорликка оид битим мамлакатларимизнинг бу борадаги ўзаро ҳамкорлигини тараққий эттиришга хизмат қилаётди.

Ички ишлар вазирлигида бўлган учрашувда терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланishi билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорлигини яна-

да мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институти муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг юксак самаралари билан танишганимиздан фойда мамнунимиз, — деди Абдулла бин Муҳаммад ал-Хуверений. — Бугунги кунда халқаро терроризм дунёдаги кўпбалли мамлакатларга хавф солмоқда. Шу боис жаҳон ҳамжамияти ва таҳдидга қарши ҳамжиҳатликда курашиши даркор. Ўзбекистон билан хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорлигини ривожлантиришдан маънафатдоримиз.

И. УМАРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар мамлакатимизда қарор топган тинчлик-барқарорликни бу борадаги асосий омиллардан бири деб билади. Сўров қўлаймоқда, улар учун иш қизиқари ва ижодий бўлиши муҳим.

Ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги демократик қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини кўрсатди. Сўралган ҳар тўрт кишидан бири ижтимоий адолат принципини барча учун тенгликни таъминлаш, 80 фоизи эса ҳар бир инсон ҳақ-хуқуқини таъминлаш сифатида тушунади. Фуқароларимиз орасида жамият ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигининг қарор топишини кўпбалли-қувватловчилар кўпайиб бормоқда. Шу сабабли аксарият юрдошларимиз учун Ўзбекистонда шахс ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида барча шарт-шароит яратилган муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик фикрида бу истиқлол йилларида эришилган асосий ютуқлардан бири сифатида қайд этилди. Сўралганларнинг аксарияти Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланган.

Утказилган ижтимоий тадқиқот шуни кўрсатдики, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми Президентимиз Ислам Каримов томонидан демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оши-

рилаётган ишлар, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда юриллаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимиз фуқароларининг ватанпарварлик даражаси, ўз давлати ишларига дахлдорлик туйғусининг юқорилиги ҳам буни тасдиқлайди. Аксарият фуқароларнинг ўз мамлакатаи тақдирини ва унинг муаммоларини ҳал этишга маънавий жиҳатдан масъул эканига ишончи қомил. Мамлакатимизда муносива ва фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилган тўб ўзгаришларни амалга оширишга ўз хиссасини қўшишда жамиятимиз аъзоларининг фуқаролик масъулиятини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайдиганлар кўпаймоқда.

Ўзбекистон фуқаролари халқимиз томонидан мамлакатимизни чўқур ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги танланган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонгани ҳамда ушбу ижодий жараёнда шахсан иштирок этишга тайёр. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши давлатимиз ва жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий ривожлантиришда янада юқори кўрсаткичларга эришишга ёрдам беришига уларнинг ишончи қомил.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири А. ИВАНОВА тайёрлади.

кадр-қиммати унинг самарали меҳнатидан акс этади, деб ҳисоблайди. Меҳнат орқали ўз қобилиятини рўёбга чиқариш, жамиятда юксак обрў-эътиборга эришишга интилаётган одамлар тобора кўпаймоқда, улар учун иш қизиқари ва ижодий бўлиши муҳим.

Ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги демократик қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини кўрсатди. Сўралган ҳар тўрт кишидан бири ижтимоий адолат принципини барча учун тенгликни таъминлаш, 80 фоизи эса ҳар бир инсон ҳақ-хуқуқини таъминлаш сифатида тушунади. Фуқароларимиз орасида жамият ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигининг қарор топишини кўпбалли-қувватловчилар кўпайиб бормоқда. Шу сабабли аксарият юрдошларимиз учун Ўзбекистонда шахс ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида барча шарт-шароит яратилган муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик фикрида бу истиқлол йилларида эришилган асосий ютуқлардан бири сифатида қайд этилди. Сўралганларнинг аксарияти Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланган.

Утказилган ижтимоий тадқиқот шуни кўрсатдики, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми Президентимиз Ислам Каримов томонидан демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оши-

● Реклама ва эълонлар ●

«CAPITAL REALTOR GROUP» МҲЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МҲЖ Фаргона филиалида 2013 йил 19 апрель куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Марғилон шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳар «6-КМК» МҲЖга қарашли, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган тураржой биноси мажмуа сифатида такроран савдога қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 707 687 663 сўм.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш 2013 йил 17 апрель куни соат 17.00 да тўхтади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МҲЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини беш банк куни муддатиде тўлиқ тўлаши керак.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.
Лицензия: № RR-0017.

«UNIVERSAL AUKTION INVEST» МҲЖ

Фаргона вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 7 май куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
• Фаргона шаҳар СИБ томонидан Фаргона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 20 апрелдаги 15-09-07/955-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фаргона шаҳар ИИБ ЙХХБда сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «MERCEDES-BENZ» русумли автобус, сиёхранг тусли, давлат рақами 40 860 ДАА.
Бошланғич баҳоси — 24 468 036,45 сўм.
• Ўзбекистон тумани СИБ томонидан Фаргона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 21 июлдаги 15-08-03/7113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Damas» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 АС 050.
Бошланғич баҳоси — 12 401 327 сўм.
• Куvasой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Кува тумани судининг 2011 йил 12 январдаги 1-22/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Куvasой шаҳар ИИББда сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган «BA3-2103» русумли, ранги қизил, таъмирталаб, давлат рақами 15 В 99-94.
Бошланғич баҳоси — 1 579 935 сўм.
• Евзвон тумани СИБ томонидан Фаргона вилояти хўжалик судининг 2011 йил 19 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Евзвон тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган:
• 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 40 643 ААА.
Бошланғич баҳоси — 30 343 921 сўм.
• 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 40 644 ААА.
Бошланғич баҳоси — 30 343 921 сўм.
• Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган тураржой биносиде сақланаётган:
• 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Тисо» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 40 953 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 10 345 766 сўм.
• 2000 йилда ишлаб чиқарилган «Тисо» русумли, ранги ашилл, давлат рақами 40 957 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 11 189 516 сўм.
• 1993 йилда ишлаб чиқарилган «BA3-21063» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 965 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 4 778 691 сўм.
• 1986 йилда ишлаб чиқарилган «MA3-5549» русумли, ранги сариқ, давлат рақами 40 964 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 7 081 954 сўм.
• 1985 йилда ишлаб чиқарилган «MA3-5549» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 40 952 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 6 899 004 сўм.
• 1986 йилда ишлаб чиқарилган «MA3-5549» русумли, ранги сариқ, давлат рақами 40 966 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 6 899 004 сўм.
• 1976 йилда ишлаб чиқарилган «GA3-5204» русумли, жигаранг тусли, давлат рақами 40 958 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 3 680 017 сўм.

• 1977 йилда ишлаб чиқарилган «GA3-5204» русумли, жигаранг тусли, давлат рақами 40 960 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 3 680 017 сўм.
• 1976 йилда ишлаб чиқарилган «KPA3-257» русумли, ранги ашилл, давлат рақами 40 954 ЕАА.
Бошланғич баҳоси — 13 329 391 сўм.
Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилимган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 23 май куни бўлиб ўтади.
2013 йил 23 апрель куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:
• Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 7 ноябрдаги 1-561-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган:
• 1984 йилда ишлаб чиқарилган «Одаз-9370» русумли, ранги қизил, давлат рақами 15 В 062.
Бошланғич баҳоси — 8 333 746 сўм.
• 1982 йилда ишлаб чиқарилган «KAMA3-5410» русумли, ранги қизил, давлат рақами 15 АЕ 539.
Бошланғич баҳоси — 18 321 677 сўм.
• Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Кува тумани судининг 2012 йил 26 ноябрдаги 1-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «Ford» русумли, ранги қизил, давлат рақами 15 J 1222.
Бошланғич баҳоси — 20 679 000 сўм.

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилимган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 8 май куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш қўйилган соат 9.00 дан 17.00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтади. Аукцион савдоси Фаргона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хонада бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktion Invest» МҲЖ Фаргона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фаргона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 хисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатинда ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Иштирий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот учун манзил: Фаргона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Телефон: (+99895) 404-44-78. Гувоҳнома № 004059.

Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва давлат идоралари, ташкилотлари ҳамда корхоналари диққатига!

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ

2012/2013 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида таҳсил олган таълим мутахассисликлари ҳамда йўналишлари битирувчиларининг Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида истиқомат қилувчилар ҳақида маълумот

I. Магистратура мутахассисликлари бўйича

Андижон вилояти бўйича

1. **Акушер-гинеколог** — 2 нафар бюджет ва 4 нафар тўлов-контракт.
2. **Жарроҳлик** — 2 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
3. **Кардиология** — 2 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
4. **Ички касалликлар (терапия)** — 2 нафар бюджет, 3 нафар тўлов-контракт.
5. **Болалар юқумли касалликлари** — 2 нафар бюджет.
6. **Болалар жарроҳлиги** — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
7. **Нейрожарроҳлик** — 3 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.
8. **Тери-таносил** — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
9. **Морфология** — 1 нафар бюджет.
10. **Офтальмология** — 2 нафар бюджет.
11. **Кулоқ, томоқ, бурун (ЛОР)** — 2 нафар бюджет.
12. **Невропатология** — 2 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
13. **Урология** — 4 нафар тўлов-контракт.
14. **Онкология** — 2 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
15. **Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси** — 2 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.
16. **Болалар неврологияси** — 2 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.

Фаргона вилояти бўйича

1. **Кардиология** — 3 нафар тўлов-контракт.
2. **Жарроҳлик** — 2 нафар тўлов-контракт.
3. **Болалар жарроҳлиги** — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
4. **Нейрожарроҳлик** — 1 нафар тўлов-контракт.
5. **Онкология** — 1 нафар тўлов-контракт.
6. **Тери-таносил** — 1 нафар бюджет.
7. **Кулоқ, томоқ, бурун (ЛОР)** — 2 нафар тўлов-контракт.
8. **Невропатология** — 2 нафар тўлов-контракт.
9. **Наркология** — 1 нафар бюджет.
10. **Офтальмология** — 1 нафар бюджет.
11. **Офтальмология** — 1 нафар тўлов-контракт.
12. **Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси** — 1 нафар тўлов-контракт.

Телефон: (8-374) 237-50-83.

«Ўзнефгазқазибчиқариш» АК «Нефгазқазибчиқариш-инжиниринг» УШК

Тошкент вилоятининг Ўнқўрғон кўрғонидаги «Саломатлик маркази» учун интерьер дизайннинг 3D кўринишда яратилган лойиҳаси (техник характеристикалари билан)га танлов эълон қилади. Аризалар қабул қилиш муддати — 2013 йил 5 апрелгача. Тижорат таклифларини Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 66-уйга ёки (+99871) 235-79-30 факси орқали жўнатишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: (+99871) 234-04-97, (+99890) 998-06-98.

«SAGDIANA REAL SERVICES» МҲЖ

савдолар заводи 2013 йил 18 апрель ва 3 май кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги объектлар такроран сотувага қўйилганлигини маълум қилади.

Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 11 июндаги 14-1213/5438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилиги Самарқанд шаҳри бўлими томонидан савдога қўйилган қуйидаги мулклар: Самарқанд шаҳри, Фарход кўрғони, 100-уйда жойлашган, умумий ер майдони 480,57 кв.м., қурилиш ости майдони 477,62 кв.м., фойдаланиш майдони 425,5 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат савдо дўкони ҳамда Самарқанд шаҳри, Фарход кўрғони, 71-«А» уйда жойлашган, 100/21,66 фоизни ташкил қиладиган, умумий ер майдони 61328,54 кв.м., қурилиш ости майдони 1130 кв.м., фойдаланиш майдони 1079,68 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат «3» литердаги омборхона ва «И» литердаги чех биноси.
Бошланғич баҳоси — 291 938 790 сўм.
Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 18 апрель кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 3 май куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади. Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVICES» МҲЖнинг «Ўзсанотқурилишбанк» «Амир Темур» Самарқанд шаҳар бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Абу Райхон Беруний кўчаси, 196-уй.
Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.

Лицензия: 0038.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу кунларда мамлакатимизда улуг бобокалонимиз Амир Темуру таваллудининг 677 йиллиги нишонланмоқда. Агар Сохибқироннинг бошқа сиймолардан ажратиб турадиган қандай фазилатлари бор, деб савол берилса, инсониятни ҳайратга солиб, қойил қолдириб келаётган ҳодиса, уни буюк Шахс сифатида аждоғ кўрсатиб турадиган фазилат, бу — шубҳасиз, унинг бунёдкорликка бўлган меҳри ва шижоатидир, унинг том маънодаги бунёдкорлигидир, деб айта оламиз.

Амир Темурнинг бунёдкорликка қанчалар аҳамият берганини бизнинг "Тузуқлар"дан ҳам билса бўлади. Бу нарса унинг унчунга эмас, балки бутун салтанат учун ҳам ҳаётбахш дастур вази-фасини ўтайди ва салтанат русумига айланади. "Амр этдимки, — дейди Сохибқирон, — кимки бирон саҳронини обод қилса ёки қориз (ер тагидан ўтказилган сув йўли ёки ариқ) қурса, ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса (яъни солиқ) олмасунлар... Хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар қурсунлар, бузилган кўприкларни тўзатсунлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар қурсунлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга рабоблар бунёд этсунлар... Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсунлар, фақир мискинларга лангархона солсунлар, беморлар учун шиғохонна қурдурсунлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-иморат (сарой) ва дор ул-адолат (қозихона) қурсунлар..."

Сохибқирон табиатан қурувчи эди, унинг фаолияти замирида халқимизнинг бунёдкорлик фазилати, "қураман" деган ҳаётбахш ва яшовчан фалсафаси жобажо эди. Биз буни Сохибқирон ҳақида ёзилган мўътабар асарларда, бугун кўз ўнгимизда савлат тукиб турган мухташам қошоналарда, иморатларда кўрамиз, ҳис этамиз, фахрланамиз.

Самарқанди фирдавмонанд атрофида бунёд этилган боғлар таърифи эса жуда ҳам гўзал. Боғи Нақши жаҳон, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Дилқушо, Боғи Баланд ва бошқа боғлар пойтахт қўриқ-га кўрк бўлиб қўшилди. Уларнинг ҳар бирида мухташам сарой, кўшк ва нақшинокор айвонлар қурилди. Сохибқирон Самарқанди дунёнинг энг олди шахарига айлантирмоқчи эди, бунга эришди ҳам.

Милодий 1397 йил мартда Амир Темур Самарқанднинг шимолида Боғи Дилқушо-ни барпо этиш учун "Қонигилининг бир ёнида боғи тарҳ солсунлар!..." деб буйруқ беради. "Қўшқнинг тоқу равоқлари нақшинокор ва сиржор гишлар билан пардоз топди, — деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. — Боғнинг тўрт бурчагида... серҳашам шийпонлар қурилди..."

Муаррихлар сўзларига қараганда, боғ жаннатдай оромжон, Эрам боғидек дилқушо экан. "Амир Сохибқирон ул боғ ва саройларнинг қурилиши билан бир ойни ўтказди...", дейди Низомиддин Али Яздий. "Ҳайратда қоладиган жойи, салтанат йомшлари билан ниҳоятда

банд бўлган Амир Темурдай давлат арбобининг битта боғ барпо этишга бир ой вақтини бергани, шунга фурсат топа олганида эди! Худди ўша йили Боғи Шимол қурилишида ҳам "Сохибқирон бир ой ярим ўзи туриб жаҳд этар эдилар", деб ёзади Шарафиддин Али Яздий.

Хиндистон муҳорабасидан юртига қайтайтиб Сохибқирон Нағар деган қалъани янгидан қуришларини буюради. Шу ерда, иттифоқо, ажойиб булоқ бор бўлиб, "суий асру зебо ва латиф эрди", фақат қалъадан ташқарида эди. Бу ердаги халққа қулай бўлишини, теварак-атрофга фойз этишини кўнглига туккан Сохибқирон: "Қалъани улғурок қилсунлар, андоққим, булоғ қалъа ичида киргай!" деб амр этади. Шарафиддин

ласида (ҳозир у Камолот маҳалласи дейилади) Президентимизнинг қатор қарорлари асосида ишланган, намунавий лойиҳалар бўйича Давлат дастурига биноан, миллий ўзбекона услубда замонавий инфратузилмалар билан таъминланган саксон иккита уй қурилди ва Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўз эгаларига топширилди.

Икки тарафда бир текис иморатлар солинган кенг ва раvon Камолот кўчаси жуда файзли қурилади. Маҳалла гузаридида бозорча ёнида турибмиз. Ана, турли дўконлар, новвойхона, маданий, тиббий, маиший хизмат хоналари очик, Чор-атроф ораста.

Байрамга байрам улаиб кетди. Президент Ислмо Каримов Андижон

қўриб турибсиз, ҳозир линия йўқ. Бу чинакамига халқни ўйлаш демакдир.

Бундай юзлаб қурилишлар мамлакатнинг барча жойларида амалга оширилмоқда. Вилоятларда "Истиқлол" шаҳарчалари, қишлоқлари, маҳаллалари пайдо бўлаётди.

1997 йил 22 август Қоровулбозорда тагин бир шөөни диққат ҳодиса юз берди:

— Бундан бир неча йил олдин Қизилқум саҳросининг ўртасида, аждодларимиз тили билан айтганда, "одам юрса оёғи, куш учса қаноти қуядиган" чўлу биёбонда энг замонавий, энг улкан завод қад қўтаради, деб айтганимизда, баъзи бировлар афсона, деб ўйлагани ҳеч кимга сир эмас, — деди Президентимиз Ислмо Каримов Бухоро нефтни

бўлиди. Гап Сохибқирон сиймосини яратишда қандай йўл тутиш борасида кетмоқда. Юртбошимиз Сохибқирон сиймоси хронологик тарзда эмас, балки ягона, фундаментал образ сифатида тасвирланади лозимлигини ўқтирдилар. "Токи, Амир Темур сиймосини ким қар-да кўрмасин, унинг мардона, улғур ва донишманд қиёфасини беҳато таний оладиган бўлсин", деди Юртбошимиз. Бу бағоят тўғри ва адолатли йўл эди.

2010 йил 30 август кунни Бухорода очилган мукаммал бадийи обида — "Кўхна ва боқий Бухоро" монументи Президент Ислмо Каримов ташаббуси ва фойси асосида бунёд этилди. Унинг ҳар бир деталини яратишда Юртбошимиз фикр ва маслахатларига суянилди. Монумент ҳар бири алоҳида маъно-

улкан қурилиш қайдонига айланганини қўриб, ҳайратларга тушамиз. Президент Ислмо Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳалар асосида бунёд этилган Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган Миллий боғ, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, Хастимом жоме масжиди, Мустақиллик майдони, "Мустақиллик ва Эзгулик монументи", Темурийлар тарихи давлат музейи, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, жаҳон талаблари даражасида барпо қилинган "Бунёдкор" стадиони ва яна санасанг санокг етмайдиган қанчадан-қанча қишлоқлар, маданий-маърифий масканлар, мухташам саройлар, коллежлар, лицейлар, аэропортлар бинолари, йўллар, темир йўлларга боқиб, диллар фараҳларга тўлади. Сохибқирон "Тузуқлар"да эсланган, бунёд этишни буюрган бино-иморатлар билан мамлакатимизда бугун қад кўтараётган юқорида зикр этилган бинолар ўхшашлигига эътибор берайлик. Ҳаммаси халқ учун, юрт учун, инсон учун! Бугун Андижон, Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарларда олиб борилаётган буюк ободончилик ишлари кундан-кунга ривожланиб бормоқдаки, қўриб кўлар қувонади.

Булларнинг ҳар бирида Сохибқирон сингари табиатан қурувчи бўлган Ислмо Каримовнинг меҳри бор, қалб қўри, қўз нури бор... У ҳам ҳамма жойида ҳозир бўлади, ишларни шаҳсан ўзи кузатиб, назардан ўтказибди. Бу бино ва мажмуаларнинг ҳар бири Юртбошимиз тафаккуриндан туғилган, эъзозланган, ҳар бирини бориб кўрган, меъморларга кенгашлар берган, қурувчиларга тўғри йўл кўрсатган, натижада бу сайёҳаракатлар, шиҷотлар самараси бари ҳамулжам бўлиб бугун мустақил Ўзбекистон жамолини бутун дунёга кўз-кўз этиб турибди.

Эртасига қомил ишонч билан умид боғлаган халқнига қурилишга меҳр қўйди, бу аънава ўзбекинг қон-қониға сингиб кетган. Аънаваларнинг асрлардан-асрларга ўтиб келиши ҳам бежиз эмас. Яшовчан аънавалар мухташам заминда пайдо бўлади. Амир Темур бобомиз ҳам, Президентимиз Ислмо Каримов ҳам ана шу халқнинг, ана шу заминнинг ўпорақ фарзандлари, шу ерда туғилган, шу ҳаводан нафас олишган.

Чиндан ҳам, аждодлар авлодларда узоғини намоен этади.

Амир Темур бобомизнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой пештоқиға нақш эттирган: "Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар, биз қурган иморатларга бақосунлар", деган сўзлари билан бир қаторда, истиқлолимиз меъморлари Ислмо Каримовнинг қалбларимизга битилган "Биздан овоз ва обод Ватан қолсин", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам" деган сўзлари осоритқаларимиздан ҳам, ҳар бири қадр-қиммати, мазмуни жиҳатидан асрларга тенг бўлган ва ҳуррият қўёши ёритиб турган 22 йиллик янги тарихимизда бунёд этилган мухташам, пурвиқор, гўзал ва тақрорланмас бино ҳамма иморатларимиздан ҳам бирдек янграб турибди.

Муҳаммад Али, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчиси раиси, Халқ ёзувчиси.

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Али Яздий шундай гувоҳлик беради: "Сохибқирон... андоқ жаҳд қилдиким, бекар ўзлари хишт (ғишт) ва балчиқ ташидилар..." Амир Темур булоқнинг сувидан роҳатланиб, баҳраманд бўлиб қалъада фароғатда умр кечиришни шу ерлик халққа қолдириб, қурилиш битган куннинг эртасигаёқ Самарқандга жўнаб кетади...

Милодий 1399 йилда бошланган Жоме масжиди қурилишида ҳам шундай собитқадимлик намоен бўлди. Низомиддин Шомий дейди: "...Дорулмулк Самарқандда бир Жоме масжиди қуриб, бу хайрли иш билан қудрат эгаси (Аллоҳ)га яқинликка эришиш ниятини қатъийлаштирди... Олий ҳазрат иштиёқнинг зўрлигидан шаҳсан ўзи иморат тепасида ҳозир бўлар, унинг тез битишига бутун ҳимматини сарфлар эди..."

Сохибқирон муҳандису меъморларга масжидда тошдан тўрт юз саксонга устун яшалларини, сақф (шифти, гүмбаз)ини тошдан тиклашларини ва тўрт ёнида тўрт минора бунёд этишларини ўқтиради...

Ҳақиқатан ҳам, бунёдкорлик салтанатда урфа айланди, унинг ҳаётбахш таъсири халқимизда ҳамон яшаб келмоқда. Биз атрофимизга бир назар ташлаб, бунга амин бўламиз. Ўша қулуғ аънавалар бугун мамлакатимизда нафақат гурқураб ривож топмоқда, балки янада халқпарвар, янада ижтимоий, мутлақо мисли қўрилмаган тарзда ва қўламда мухтарам Юртбошимиз Ислмо Каримов томонидан изчил амалга оширилмоқда.

Биргина Президентимизнинг ташаббуслари билан қишлоқларда замонавий ҳовли-йўлар бунёд этилишидай шобони диққат ҳодисага назар ташлайлик. Андижоннинг шундай бикинида жойлашган, Буюк Ипак йўли бўйидаги "Хартум" фуқаролар йиғинига қарашли Ҳарабек қишлоғининг Уркизор маҳал-

сафари вақтида бу ерга келиб, маҳалла фуқаролари билан суҳбатлашди, шароит билан танишиб, янги уйлари кўздан кечирди, уйдаги энг кичик жиҳозларнинг ҳам ўз ўрнида жойлаштирилгани, замонавий талаблар инобатга олинганини юксак баҳолади:

— Бундай янги, замонавий уйларида яшаётган ҳамюртларимизнинг тўкиси ҳаётини қўриш кишиға катта қувонч ташидилайди, — деди Президентимиз. — Ўзи яшаётган жойни обод қилиш Халқимизга хос фазилатлардан. Ота-боболаримиз қадимдан бундай турмуш тарзини қут-барока белгиси, мухташам оила қафолати сифатида қадрлаган. Бундай эзгу ишлар ҳозир ҳам замон талабларига мос равишда давом этирилмоқда.

Мен ўша Камолот маҳалласини айландим. 26-хонадон соҳиби Розик Йўлдошевнинг уйда бўлдим. Кенгина ҳовли экан. Хоналар расамади билан жойлаштирилган, унинг тўри файли, шифти баланд, баҳаво меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, бошқа хоналар, ҳовлиға қараган айвон... "Тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминланган, иситиш хонаси борми", деб сўраган эдим, "Бор, ҳовлининг этагида", дейишди.

— Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишлари беадад савоб! — дейди Розик ака миннатдорлик билан. — Ҳеч эсимдан чиқмайди: қаранг, Ислмо ака маҳаллаимизга келганларида, хурсанд бўлиб кўчамизга қараб турдилар-да, қўчанинг ўртасидан ўтган юшори вольтли электр симларига ишора қилиб, илгари бу ерда ҳеч ким турмасди, энди одамлар яшайди, болалар ўйнайди бу қўчада, дедилар ва тегишли кишиларга, бу линияни бу ердан бошқа ерга олиб чиқариш, деб топширдилар. Мана,

қайта ишлаш заводининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида. — Мана, бугунги кунда халқимиз иродаси билан, хоржий дўстаримизнинг фалсифи широкчида афсона ҳақиқатга айланди. Мустақиллигимизни мухташамлаш йўлида яна бир дадил қадам қўйилди. Барчангизни нафақат бугунги ҳаётимизда, балки келажак ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин тутадиган, иқтисодий салоҳиятимизга юксалишиға улкан ҳисса қўшувчи мана шу завод ишға тушиши муносабати билан чин кўнгилдан табриқлайман!

Гулдўрос қарсақлар янгради...

... "1993 йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбониға ўрнатиладиган ҳайкални илк бор муҳокама қилганимиз эсимда, — деб ёзади Юртбошимиз эсимда, "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида. — Ҳайкалтарошлар тақдим этган вариантда Сохибқирон қўлиға найза тутган ҳолда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, "Сохибқирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жиловини тутиб тургани маъқул, — деган фикрни билдирдим. — Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мухташам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туриши англатади. Шу билан бирга, буюк аждодимизнинг иккинчи қўлини банд қўтариб, дунёдаги барча инсонларға тинчлик-омонлик, бахту саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадға мувофиқ бўлар эди..."

Шуни таъкидлаш жоизки, Амир Темур сиймосини яратишда Президентимизнинг бир жиҳатға қаттиқ эътибор бергани ҳайкалтарошлик, умуман, тасвирий санъатимизда ҳам, бадийи адабиётимизда ҳам катта аҳамиятға эга

мазмун, фалсафаға эга уч босқичдан иборат. Биринчи босқич Бухоронинг акс эттиради, иккинчи босқичда ана шу олтин тупроқда туғилган фарзандлар — Исмоил Сомоний, Имом Бухорий, Абдуҳолик Ғиҳуддин, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймоларнинг макбаралари, номи оламға таралган меъморий обидалар, улуг алломаларнинг машҳур китоблари тасвирланган, ҳикматли сўзлардан намуналар келтирилган. Учинчи босқичдан мустақил Ўзбекистон фуқаролари — замондошларимиз сиймоларига бағишланган тасвирлар ўрин олган.

Монументнинг тепасида айлиниб турувчи, Ўзбекистон харитасиа туширилган Ер шари ўзида катта рамзий маънони акс эттиради. "Бу, мамлакатимиз мустақиллиқка эришган, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, — дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мухташам жойини эгалади, деган, барчамизға ифтихор баҳш этадиган фикрни ифодалайди..."

"Кўхна ва боқий Бухоро" монументи жуда пурмазмун, таъсирчан этиб яратилган. Уни халқимиз босиб ўтган шарафли тарихнинг яхлит маънавий ва бадийи тажассуми, дейиш мумкин. Хусусан, улкан тарихимизни акс эттиришда "қўнғирок" детали тоғилгани ва ундан жуда ҳам ўринли фойдаланилганиға қойил қолади киши! Бу қўнғирок — халқимизнинг доим тепиб турадиган қалби, юрагининг тимсоли. Халқнинг ҳаёти асрлар давомида шарқироқ дарёдек тин билмай оқади, унинг юраги тепишдан сира тўхтамайди. Қўнғирок асрлар оша бизга садо бериб, жарангла турибди. Уни қалблар эшитида, эшитганда чеқисиз гўрур ва ифтихор ҳисларига тўлади...

Узимиз ҳам, хориждан келган меҳмонлар ҳам Ўзбекистонинг бугун

Ёш ҳуқуқшунослар

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданият даражасига, хусусан, ҳуқуқий билимлар тарғиботиға кўп жиҳатдан боғлиқ.

ТАНЛОВ

Бугун республикамиз аҳолисининг қарийб 35 фоизини 16 ёшга бўлган ўсмирлар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу масала жуда долзарб экани ойдинлашади. Шу боис Адлия вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги ҳамда "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида аънавий ўтказиб келинаётган "Ёш ҳуқуқшунослар" республика кўрик-танлови тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган ушбу нуфузли танловнинг республика босқичида ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган 7 та коллеж жамоалари баҳс олиб борди. Иштирокчилар суд-ҳуқуқ

тизиммида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги билимларини, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришға қаратилган тақлифларини саҳна кўриниши ҳамда кўргазмали воситалар орқали ифодалашди.

— Биз учун танловда иштирок этишнинг ўзи катта натижа, — дейди Нукус ҳуқуқшунослик

коллежи ўқувчиси Назлихон Абдужабборов. — Авваламбор, ҳуқуқий тушунчаларимизни янада бойитишға муяссар бўлдик. Баҳс-мунозараларда мантаний ҳулосаларни чуқурлаштириш йўлларини ўргандик. Бу келгуси ҳаётимизда, албатта, фойдали бўлади.

Танлов якунида Тошкент юридик коллежининг "Куч — адолатда" жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Наманган юридик коллежининг "Ўзбегим ёшлари" ва Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг "Статус-қво" жамоалари эса кейинги ўринларға лойиқ, деб тоғилди. Фойлибларға ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

HALQ BANKI
Обод турмуш йили муносабати билан
Давлат-тижорат Халқ банки қуйидаги, миллий валютадаги
муддатли янги омонат турларини таклиф этади:
«Обод турмуш»
«Наврўзинг муборак»
«Мустаҳкам оила»
«Оила манфаати»
Хизматлар лицензияланган.

UZGUMI
Табиатнинг биологик фаол мўъжизаси – янги авлод гўмин йўғити
ҲОСИЛНИ ОШИРАДИ:
ПАХТА + 10-20%
БУҒДОЙ + 15-25%
МЕВА ва САБЗАВОТ + 30-50%
ЕТИЛИШ МУДДАТИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ,
КАСАЛЛИКЛАРГА ва ҲАШАРОТЛАРГА ЧИДАМАЛИЛИГИНИ ОШИРАДИ.
ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ!
Тел.: (8-371) 238-92-29
www.tbs-group.uz

Халқ сўзи
Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Туран» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45
ТОПШИРИЛДИ — 22.45
1 2 3 4 5